

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ШАКАРОВА ДИЛШОД ШОМУРАДОВНА

**ЗОЛ-ГЕЛ ЖАРАЁНИДА ПОЛИСАХАРИДЛАР ИШТИРОКИДА
КРЕМНЕЗЕМ ВА АЛЮМИСИЛИКАТЛИ СОРБЦИОН
МАТЕРИАЛЛАР СТРУКТУРАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ
ҚОНУНИЯТЛАРИ**

02.00.11. – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Шакарова Дилшод Шомурадовна

Зол-гел жараёнида полисахаридлар иштирокида кремнезем ва алюминосиликатли сорбцион материаллар структураларнинг шаклланиш қонуниятлари.....3

Шакарова Дилшод Шомурадовна

Закономерности формирования структуры кремнеземных и алюмосиликатных сорбционных материалов при золь-гель процессе в присутствии полисахаридов.....29

Shakarova Dilshod Shomuradovna

Regularities of formation of the structure of silica and aluminosilicate sorption materials at the sol-gel process in the presence of polysaccharides55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ШАКАРОВА ДИЛШОД ШОМУРАДОВНА

**ЗОЛ-ГЕЛ ЖАРАЁНИДА ПОЛИСАХАРИДЛАР ИШТИРОКИДА
КРЕМНЕЗЕМ ВА АЛЮМОСИЛИКАТЛИ СОРБЦИОН
МАТЕРИАЛЛАР СТРУКТУРАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ
ҚОНУНИЯТЛАРИ**

02.00.11. – Коллоид ва мембрана кимёси

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.DSc/K172 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.ionx.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Ибрагимов Азиз Бахтиярович кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эргашев Ойбек Каримович кимё фанлари доктори, профессор Юсунов Мирахмат Пулатович техника фанлари доктори, профессор Бахранов Хаёт Нурович кимё фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc02/30.12.2019.К/Т 35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «12» октябр соат 10⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871)262-76-90, e-mail: ionx@puu.uz).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а Тел.: (+99871)262-56-60, факс: (+99871)262-76-90).

Диссертация автореферати 2023 йил «29» сентябр куни тарқатилди.
(2023 йил 29 сентябрдаги №3 рақамли реестр баённомаси)



Б.С. Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С. Салиханова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

И.Д. Эшметов
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда фан ва техника ривожланиши юқори технологиялар ва саноатнинг жадал тараққиётга эришишига олиб келади. Бу бир томондан, дунё аҳолиси фаровонлигининг ошишига, бошқа томондан эса, ҳаво бўшлиғи ва сув муҳити каби атроф-муҳит объектларининг глобал ифлосланишига сабаб бўлди. Саноатда ишлаб чиқариш кўпайиши билан экологик вазиятга ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Кимёвий ифлосланиш ҳаво, сув ва тупроққа салбий таъсир кўрсатиш билан бир қаторда дунё аҳолисининг соғлиғига ҳам зарар етказди. Шу боис дунёда кенг тарқалган кремний ва алюминий оксидлари ҳамда қайта тикланувчи табиий полимерлар асосида самарадорлиги юқори бўлган адсорбцион материалларнинг синтези ва хоссаларини ўрганиш ҳамда уларни қўллаб, литосферани ҳар хил ифлослантирувчиларидан тозалаш бугунги кунда катта аҳамиятга эга.

Жаҳонда ҳавони ифлослантирувчи газлардан ва саноат оқава сувларини чиқиндилардан тозалаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, адсорбцион материалларнинг яратиш, яъни кремний ва алюминий оксидларига асосланган ҳамда якуний маҳсулотларнинг архитектурасини аниқлайдиган биополимер табиатли қўшимчалар иштирокидаги сорбцион материалларнинг шаклланиш қонуниятларини аниқлаш; полиэтоксисилоксан олигомерини гидролитик поликонденсацияланиш жараёнида хитозаннинг сирка кислотасидаги эритмаси иштирокида хитозан/кремнезём адсорбенти синтезида золдан гелга ўтиш жараёнининг кинетикаси ва реологиясини ўрганиш; хитозан/кремнезём адсорбенти ва алюмосиликат цеолитнинг синтез қилиб олинган намуналарининг физик-кимёвий ва физикавий хоссаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада табиий газ ва оқава сувларни тозалаш ва қуритишда адсорбент ва цеолитлардан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт Стратегиясининг учинчи йўналишида¹ юқори технологик қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, биринчи навбатда, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш¹га йўналтирилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, мавжуд ва арзон маҳаллий хом ашё асосида адсорбцион материалларни синтез қилиш технологиясини такомиллаштириш ва янги адсорбентларни яратиш алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йиллардаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”ги ПФ- сон Фармони

мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. "Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар" устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Зол-гел усули ёрдамида наноструктурали гибрид полимер/кремнезём материалларни тоза хомашёлар ҳамда чиқиндилар асосида ишлаб чиқариш ва турли хил қўйи ва юқори молекуляр органик бирикмалар ёрдамида наноўлчамли алюмосиликат цеолитларни синтез қилиш бўйича йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Laboratoire de recherche sous la tutelle du CNRS et de l'université de Haute-Alsace (Франция), Sandia National Laboratories Albuquerque, New Mexico (АҚШ), Waseda University (Япония), University of Aveiro (Португалия), University of Cincinnati (АҚШ), University of Sassari (Италия), Kansai Research Institute, Kyoto Research Park (Япония), college DE france, Pierre and Marie Curie University (Франция), MOE Key Laboratory of Macromolecular Synthesis and Functionalization, Department of Polymer Science and Engineering, Zhejiang University (Хитой), Урал давлат техника университети (Россия), Swiss Federal Institute of Technology (Швейцария) Stockholm University (Швеция), Department of Chemical Engineering, Monash University, Австралия) олиб борилмоқда.

Зол-гел усули ёрдамида полимер/кремнезём гибрид наноструктурали материалларни ва наноўлчамли алюмосиликат цеолитларни олишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, шу жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: эритмада ноорганик прекурсорларнинг матричасига меҳмон сифатида органик прекурсорлар реакцияга киришиб органо-ноорганик материаллар ҳосил бўлиш дизайни аниқланган (Laboratoire de recherche sous la tutelle du CNRS et de l'université de Haute-Alsace (Франция); ноорганик прекурсорлар метал алкили ёки алкоксидларнинг органик полимерлар иштирокида эритма фазаси реакцияси асосида оддий гидролиз – конденсация механизми асосида полимер/кремнезём гибридлар шаклланиши аниқланган (Sandia National Laboratories Albuquerque, New Mexico (АҚШ); ноорганик фазаларни шакллантириш учун бошланғич компонент сифатида танланган тетраэтоксисилан билан кимёвий жараёнларнинг тўлиқлигини таъминлайдиган органик-ноорганик хитозан/кремнезём пленкаларнинг зол-гел синтезининг 2 босқичли ёндашуви аниқланган (Урал давлат техника

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1002/mame.201800213>, <https://www.researchgate.net/figure/Sol-gel-method-for-synthesis-of-zeolite>, <https://www.cambridge.org/journals/mrs-online-proceedings-libraryarchive/article>

университети (Россия); наноўлчамдаги ҳар хил турлари NaA, фоажозит-X, силикалит -1 цеолитларнинг органик структура шакллантирувчилар ва алюмосиликат эритмалари асосида гидротермик усуллар ёрдамида синтези аниқланган (Stockholm University (Швеция); цеолит кристалларини ҳажмини назорат қилиш учун дастлаб органик полимер гелларини реакциянинг чекланган майдонида наноцеолитларнинг кристалларини синтез қилиш имконияти аниқланган (Department of Chemical Engineering, Monash University, Австралия).

Дунёда адсорбцион материалларни синтез қилишнинг умумий стратегияси кремний ва алюминий оксидларининг турли хил прекурсорларидан (ПР) фойдаланишга асосланган бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан зол-гел технологияси асосида полимер/кремнезем гибридли наноструктураларли материалларнинг бир босқичли синтезини яратиш; ноорганик фаза матрицасида органик табиий полимернинг тенг равишда тақсимланишида ишкорий катализатор иштирокида маълум мақсадга мўлжаллангангибрид органик/ноорганик материалларни яратиш; табиий ва синтетик полимерлар ва алкоксисиланлар асосида олинган полимер/кремнезем материалларнинг зол-гелга ўтиш реологияси ҳамда физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги ўн йилликда башорат қилинадиган физик-кимёвий хусусиятларга эга адсорбентларни олиш имконини берувчи коллоид кимёвий ёндашувдан фойдаланган ҳолда кремний ва алюминий оксидлари асосида синтетик адсорбцион материалларни яратиш соҳасида тадқиқотлар жадал ривожланмоқда. K. Molvinger, I.Postnova, E.Shishkin, A. Kanayo, H. Yu, F.Al-Sagheer, M. Ayers, A. Hunt, M. Koebel, V.Tertykh, J.Jones, Yu. Shchipunov каби олимларнинг ишлари зол-гел усули билан полисахарид/кремнезем гибридлирини синтез қилиш бўйича ушбу тадқиқот соҳасига бағишланган. L.Tosheva, S.Mintova, V. Valtchev, E. Kianfar, C.Cundy, L.Bergshtrom, N. Hiddenларнинг ишлари эса заррача ҳажми 200 нм дан ошмайдиган ва тор соҳада тақсимланган нанокристалли силикат ҳамда алюмосиликат молекуляр элақларга ва уларни қўллаш имкониятларига бағишланган.

Полимер/кремнезем материалларини яратиш бўйича кўплаб чоп этилган ишларга қарамасдан, сорбцион композит материаллар етарлича ўрганилмаган. Бироқ, зол-гел жараёни ва кремнеземни ҳамда турли хил қуйи ва юқори молекуляр органик бирикмаларнинг таркибий ўзгаришларини ўрганиш функционал гибрид полимер/кремнезем адсорбентларни яратиш нуқтаи назаридан катта қизиқиш уйғотади.

Мамлакатимизда Б. Д. Кабулов ва унинг гуруҳи зол-гел усулида ғовакли силикагел ва гибрид полимер/кремнезем адсорбентларини ишлаб чиқаришган. Илк бор унинг мактабида юқори самарадор суюқ хроматография учун хитозан/кремнезем адсорбентлари зол-гел усули билан олинган бўлса, Ҳ.И. Акбаров ва унинг ходимлари полимер/кремнезем материалларининг термодинамик параметрларини ўрганишган. А.М.Насимов ва

Э.Абдурахмонов датчикларни олиш учун зол-гел усули ёрдамида кимёвий датчикларнинг селективлигини ошириш йўлларини ўрганмоқдалар. Г.У. Рахматқариев ва А.А. Агзамходжаев цеолитлар, монтмориллонитлар, писта кўмир ва бошқалар каби ғовакли материалларда газлар ҳамда буғларнинг адсорбциянинг асосий термодинамик хусусиятларини ва адсорбция механизмларини тадқиқ қилишди. Саноат зонаси оқава сувларини тозалаш учун М.Г.Мухамедиев ва унинг ходимлари томонидан функционал полимерларга асосланган янги авлод ион алмашинадиган материаллари ишлатилган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотлар полисахарид/кремнезём адсорбентлари ва алюмосиликат цеолитларининг ўзига хос самарали адсорбцион хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади.

Шу сабаб зол-гел жараёнида бундай материалларнинг ҳосил бўлиш қонуниятларини ўрганиш, янги авлод материалларини яратишда муҳим вазифа бўлиб, уларни замонавий технологияларда амалий қўллаш истиқболларини очиқ беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ФА-Ф-7-010 "Наноструктурали фожазит цеолитларининг панжара юзасидаги ион-молекуляр кластерларнинг энергияси, тузилиши ва жойлашиши", Ф-3-027 "Углеводни ўз ичига олган

п
о
л
и
м

Тадқиқотнинг мақсади коллоид кимёвий синтез шароитида хитозан ва метилцеллюлозанинг гибрид хитозан/кремнезём адсорбенти ва алюмосиликатли цеолит структурасининг шаклланишига таъсирини кўриқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

полиэтоксисилоксан олигомерини гидролитик поликонденсацияланиш жараёнида хитозаннинг сирка кислотасидаги эритмаси иштирокида хитозан/кремнезём адсорбенти синтезида золдан гелга ўтиш жараёнининг кинетикаси ва реологиясини ўрганиш;

хитозан ва метилцеллюлоза гелларида силиказол ва натрий алюминатдан алюмосиликат наноцеолит синтез жараёнида золдан гелга ўтиш реологиясини ўрганиш;

олинган маҳсулотлар хусусиятларининг синтез жараёни шароитларига боғлиқлигини ўрганиш (дастлабки реагентларнинг нисбати, ҳарорати, катализатор концентрацияси);

хитозан/кремнезём адсорбенти ва алюмосиликат цеолитнинг синтез қилиб олинган намуналарининг физик-кимёвий ва физикавий хоссаларини ўрганиш;

и
б
р
и

хитозан/кремнезём микросферик силикагелидан ЮССХ (юқори самарадор суюқлик хроматографияси) ва ЮСЮҚХ (юқори самарадор юпқа қатлам хроматографияси) органик бирикмаларида стационар фаза сифатида ва оғир металллардан оқава сувларни тозалашда фойдаланиш имкониятларини тадқиқ қилиш. Табiiй газ аралашмаларидан CO_2 ва N_2 ни ажратиш учун алюмосиликат наноцеолитларининг сорбция хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида полиэтоксисилоксан олигомери, силиказол, натрий алюминат, полисахаридлар – хитозан ва метилцеллюлоза, хитозан/кремнезём адсорбенти ва алюмосиликат наноцеолит моддаларининг намуналари, хроматография учун намуналар, оқава сувлар, газ аралашмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предметини хитозанни зол-гел жараёнига киритиш билан хитозан/кремнезём адсорбентининг синтези ва хитозан ҳамда метилцеллюлоза гелларида цеолит синтези, шунингдек уларнинг адсорбцион хусусиятлари ва фаза чегараларидаги ўзаро таъсир механизмлари ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини бажаришда сканерловчи электрон микроскопи, ИҚ-спектроскопияси, термогравиметрия, диффрактометрия, азот порометрияси, ион алмашинуви ва хроматография каби физик ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

наноструктурали силикагелнинг силанол гуруҳлари ва хитозан макромолекулаларининг функционал гуруҳлари ўртасида ўзаро таъсирга асосланган наногибрид хитозан/кремнезем адсорбентининг шаклланиш қонуниятлари аниқланган;

коллоид кимёвий синтези жараёнида хитозан ва метилцеллюлоза геллари ячейкаларида алюмосиликат цеолитининг кристаллари ўсишини чеклаш қонуниятлари исботланган;

биринчи марта микросферали хитозан/кремнезём адсорбенти олиниб, унинг физик-кимёвий хоссалари ва органик бирикмалар хроматографиясида қўллаш имкониятларига асосланган;

биринчи марта хитозан ва метилцеллюлоза геллари тўрларининг чекланган майдонида алюмосиликат наноўлчамдаги цеолит кристаллари олиш усули яратилган;

силикагель ва цеолитларнинг адсорбцион марказларида ҳамда хитозан ва метилцеллюлоза гуруҳлари орасидаги фаза чегарасида ўзаро таъсир аниқланган;

хитозан/кремнезём адсорбенти ва алюмосиликат наноцеолитини олинишининг мақбул шароитлари (бошланғич реагентлар нисбати, концентрация, катализатор ва ҳарорат) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган гибрид хитозан/кремнезём адсорбентларининг ЮССХ (юқори самарадор суюқлик хроматографияси) ва ЮСЮҚХ (юқори самарадор юпқа қатлам хроматографияси)да органик бирикмалар аралашмаларини ажратишда ва оқава сувларни оғир металл ионларидан тозалаш имкониятлари яратилган;

алюмосиликат наноцеолитлар газ аралашмаларини водород сулфиди ва карбонат ангидриддан тозалашда, шунингдек, газларни қуритишда ишлатилиш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқотларнинг замонавий кимёвий ва физик-кимёвий усуллар ёрдамида олиб борилганлиги, яъни коллоид-кимёвий усули билан олинган хитозан/кремнезём адсорбентлар ва алюмосиликат наноцеолитларнинг таркиби, тузилиши ва хусусиятларини аниқлаш учун рентген спектрал ва энергия дисперсиясини таҳлил қилиш, сканерловчи ва ёритувчи электрон микроскопияси, азот порометрияси, инфрақизил Фуре спектроскопияси, термогравиметрик, адсорбция ва хроматографик усулларнинг аниқланганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ПЭОС тизимларида золдан гелга ўтиш даврида ПЭОС:хитозан и $\text{SiO}_2:\text{Al}_2\text{O}_3:\text{NaOH}$: хитозан ёки метилцеллюлоза гели тизимларида хитозан/кремнезём адсорбенти ва алюмосиликат наноцеолит наноструктурасининг шаклланиш қонуниятлари ва механизмларини ўрганиш, олинган тадқиқот натижалари хитозан/кремнезём гибридлари ва алюмосиликатли наноцеолитлар хитозан ва метилцеллюлоза гидрогел тармоқларининг чекланган майдонида шаклланишида хитозан ва метилцеллюлоза макромолекулалари сезиларли таъсир кўрсатди, бошқа структура ҳосил қилувчи полисахаридлар ёки биополимерларни излаш ва яхшиланган адсорбцион хоссаларга ва ишлаш кўрсаткичларига эга янги наноструктурали сорбцион материалларни яратишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яхшиланган физик-кимёвий хусусиятларга эга хитозан/кремнезём адсорбенти ва алюмосиликат наноцеолитни олишнинг бир ва икки босқичли усулларини ишлаб чиқишдан, шунингдек хитозан/кремнезём адсорбенти стационар фаза сифатида ЮССХ (юқори самарадор суюқлик хроматографияси) ва ЮСЮҚХ (юқори самарадор юпқа қатлам хроматографияси)да органик бирикмалар аралашмаларини ажратишда муваффақиятли синовдан ўтказиш ва мураккаб аралашмаларни ажратиш учун адсорбент сифатида тавсия этиш ва олинган алюмосиликат цеолитнинг А тури CO_2 ва N_2 ни газ аралашмаларидан ушлаб туриш учун адсорбент олишга ҳизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коллоид-кимёвий синтез шароитида гибридли хитозан/кремнезём адсорбенти ва алюмосиликат цеолит структурасининг шаклланишига хитозан ва метилцеллюлозанинг таъсирини аниқлаш буйича олинган натижалар асосида:

махаллий хомашёлар асосида олинган микросферали хитозан/кремнезём адсорбенти ёрдамида “Муборак газни қайта ишлаш корхонаси“ МЧЖ да карбонат ангидрид газидан тозалаш амалиётга жорий этилган (03 август 2023 йилдаги 172-05-ФҚ-3414 сон маълумотномаси). Натижада, газларни 95-97% гача карбонат ангидрид газидан тозалаш имкониятини беради.

4А типдаги олинган наноцеолитлар “Муборак газни қайта ишлаш корхонаси“ МЧЖ да газларни водород сулфидидан тозалаш ва қуритишда амалиётга жорий этилган (03 август 2023 йилдаги 172-05-ФҚ-3414 сон

маълумотномаси). Натижада, газларни 97-98% гача водород сулфиди ва газларни қуритиш имкониятини беради;

наноцеолитларда адсорбцион-калориметрик усул билан аниқланган асосий термодинамик хусусиятлар, изотермалар ва иссиқлик мувозанати асосида олинган натижалар ФА-Ф7-012 рақамли "Кўп функцияли металлларнинг янги кўп лигандли координацион бирикмаларининг синтези, уларнинг тузилиш хусусиятлари, реактивлиги ва биологик хусусиятларининг илмий асосланиши" мавзусида фундаментал лойиҳада турли таркибли ва фаол марказларга эга бўлган координацион бирикмаларнинг сорбция жараёнлари механизмларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 4/1255-1447-сонли 6 июлдаги 2023-сон маълумотномаси). Натижада, наноцеолитлардаги атомлар, молекулалар ва ионларнинг табиати ва боғланиш энергиялари аниқланди, бу эса турли физик-кимёвий хусусиятларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 8 та халқаро конференцияларда, жумладан 3 та Scopus маълумотлар базасига кирган анжуманлар ва 15 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган 15 та илмий мақола, 7 та республика ва 8 та хорижий журналларда нашрд этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Диссертация ҳажми 163 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, мақсади ва вазифалари шакллантирилган, республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот объектлари ва предметлари келтирилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

"Силикагеллар, наногибрид полимер/кремнезем материаллари, шунингдек нанокристалли силикат ва алюмосиликат молекуляр элакларнинг тузилишини полисахаридлар иштирокида золь-гель шаклланиши" деб номланган биринчи боб куйи ва юқори молекуляр функционал органик бирикмалар иштирокида сорбцион материалларининг зол-гел ёндашувида ҳосил бўлиши бўйича замонавий илмий адабиётларни таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, унда гибрид полимер/кремнезем материаллар, шунингдек алюмосиликат нанокристалл цеолитлар, дастлабки реагентлар нисбати, ҳарорат, жараённинг давомийлиги, катализатор таъсири ҳақидаги, шунингдек олинган сорбцион материалларининг хусусиятлари, шунингдек

органик ва ноорганик фазалар чегарасида содир бўладиган жараёнлар ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

"Кремнезем ва алюмосиликат адсорбентлар олиниши ва физик-кимёвий таҳлили" деб номланган **иккинчи бобда** тадқиқотнинг асосий объектлари, хитозан ва метилцеллюлоза, уларнинг тузилишининг ўзига хослиги, яъни уларнинг макромолекулалари тузилмаларида органик ва ноорганик фазалар чегарасида ўзаро таъсир ўтказишга қодир бўлган фаол функционал гуруҳларнинг, шунингдек сувли эритмаларда гелланиш хусусиятларининг мавжудлиги асослари келтирилган. Ноорганик бошланғич материаллар сифатида полиэтоксисилоксан олигомери хитозан/кремнезем адсорбентларни синтез қилишда ва силиказол билан натрий алюминат биргаликда алюмосиликат цеолит синтезида фойдаланилди.

ПЭОС олигомерининг гидролитик поликонденсациясининг зол-гел жараёнига хитозанни киритиш билан наногибрид хитозан/кремнезем адсорбентини синтез қилиш, шунингдек хитозан ва метилцеллюлоза гелларида алюмосиликат нанокристалли цеолит синтези бўйича тажриба усуллари тасвирланган. Олинган адсорбент намуналарининг хусусиятларини ўрганиш учун оптик ва сканерлаш электрон микроскопия, термогравиметрия, рентгенструктуравий, ИҚ спектроскопия, азот порометрияси, ЮСГХ (юқори самарадор суюқлик хроматографияси) ва ЮСЮҚХ (юқори самарадор юпка катлам хроматографияси) каби таҳлил усуллари танланганлиги қайд этилади.

"Наногибрид хитозан/кремнезем адсорбентининг золь-гел шаклланиши ва унинг хоссалари" деб номланган **учинчи бобда** наногибрид хитозан/кремнезем адсорбентининг зол-гел жараёнида ҳосил бўлиш жараёнлари ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Гелнинг тўр тузилишини шакллантиришда иштирок этадиган олигомерларнинг реакцион қобилиятини тартибга солиш усулларида бири бу тенг таркибий қисм сифатида гел тузилишини шакллантиришда фаол иштирок этиши мумкин бўлган реактив функционал гуруҳларга эга моддаларни киритишдир. Бу гелланиш жараёнига, фазовий тузилишга сезиларли ўзгаришлар киритишга ва шунга мос равишда якуний маҳсулотнинг хусусиятларини ўзгартиришга имкон беради, бу ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан жуда муҳимдир, чунки бу структурани мақсадли бошқариш ва охиरोқибат янги физик-кимёвий хусусиятларни бериш имконини беради.


Бизнинг ҳолатда, ПЭОС олигомеридан гел ҳосил бўлиш жараёни NH_4OH катализаторнинг иштирокида гидроксил ва этокси гуруҳлари томонидан поликонденсация реакцияси бориши туфайли давом этади. Хитозан иштироки ва иштирокисиз ҳам ПЭОС олигомерининг гелланиш каталитик жараёнининг реокинетикаси ўрганилган.

Биз томондан ПЭОС олигомери қисқичбақа хитозани (2 масса %) ва ипак курти ғумбаги хитозани (*Bombux mori*) (2 масса %) композициясини NH_4OH катализатор сифатида қўллаб ўрганилди. 1-расмда (а) катализаторнинг ПЭОС + *Bombux mori* композициясининг қотиш жараёнига қандай таъсир қилиши кўрсатилган. Композициянинг қотиши жараёнига катализатор миқдорининг

кўпайиши билан барча вақтга боғлиқ тавсифлари қийматларининг камайиш тенденцияси мавжуд. Зол коллоид тизимининг мавжудлик вақти (А нуқтаси) га келсак, у 1-5 эгри чизиқлар учун 22, 17, 13, 7 мин. ларни ташкил этади.

Композициядаги ПЭОС олигомерининг қотиши билан боғлиқ ўхшаш қонуният худди шу шароитда қисқичбақа хитозани билан ҳам кузатилди. 1 (б) расм шуни кўрсатадики, 1-5 барча эгри чизиқлар учун коллоид зол тизимининг мавжудлик вақти мос равишда 5 дан 2,5 минутгача ўзгаради. Ипак қурти ғумбагининг хитозанидан фарқли ўлароқ, қисқичбақа хитозанининг вақтга боғлиқлик характеристикаларининг камайиши бўйича сезиларли даражада фарқ қилади ва катализатор концентрациясининг ортиши билан бир хил пасайиш тенденциясини сақлайди.

Шундай қилиб, ПЭОС олигомери билан қисқичбақа хитозанининг катализланган таркиби *Bombux mori* хитозани билан таққослаганда 4 марта тезлаштирилган гелланиш жараёни кузатилади.



1-расм. Динамик қовушқоқликнинг ПЭОС+хитозан олигомери композицияси қотишининг муайян миқдор (масса, %) аммоний гидроксиди мавжудлигидаги ўзгариши. а) *Bombux mori* хитозани, б) қисқичбақа хитозани 1) 0.56; 2) 1; 3) 2.2; 4) 3.4; 5) 4.5., ҳарорат 70⁰С.

Бунинг сабаби, қисқичбақа хитозанини юқори молекуляр биополимер эканлиги, яъни молекуляр массаси 200 кДа ва деацетилланиш даражаси 86% бўлганлиги, *Bombux mori* нинг хитозани эса 80 кДа ва 79% характеристикаларга эгаллиги (асосий аминокислоталарнинг миқдори кўпроқ бўлганлиги) дир.


Коллоид тизимнинг мавжудлик даврида зол эритмасидаги шакл (А нуқта) макромолекуляр ассоциацияларнинг юқори даражасига олиб келади, бу хитозан макромолекулаларининг ПЭОС гидролитик поликонденсацияси маҳсулотига йўналтириш таъсирини оширишга ёрдам бериб, охиरोқибат гелланиш жараёнида ўзининг каталитик фаоллигини намоён қилинишида акс этади.

“Микросферик наногибрид хитозан/кремнезем адсорбенти намуналарининг физик хусусиятлари ўрганиш” деб номланган тўртинчи

бобда турли физик ва физик-кимёвий усуллар ёрдамида олинган хитозан/кремнезём адсорбентларининг тузилиши ва хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган. Олинган гибрид хитозан/кремнезём адсорбент намуналари морфологиясининг СЭМ ёрдамида ўрганиш тадқиқотлари шуни кўрсатдики, синтез натижасида 3 дан 15 микронгача бўлган шарсимон заррачалар ҳосил бўлган ва СЭМ-ЭДС бўйича намуналарнинг элементлар таҳлили эса Si (55,1%), O (28,5%), C (16,4%), N (10,51%) мавжудлигини кўрсатди (2, а, в-расмлар).

Адсорбентларнинг тузилишини аниқлаш бўйича тадқиқотларнинг ажралмас қисми сифатида ИҚ-спектроскопиядан фойдаланилиб, аниқланган характерли частоталар ёрдамида бирикмада мавжуд бўлган функционал гуруҳлар ва таркибий элементларни юқори эҳтимоллик билан кўрсатиб бериш мумкин.

3-расмдаги хитозаннинг 2 спектрида, келиб чиқишидан қатъи назар, ушбу табиий полимерга хос бўлган ютилиш полосалари кузатилади, улар биринчи навбатда 3600-3300 см^{-1} частота диапазонида максимуми 3440 см^{-1} бўлган кенг ва кучли диапазонни ўз ичига олади.




2- расм Хитозан/кремнезём адсорбентнинг сканловчи электрон микроскоп натижаси (СЭМ) (а) элемент анализ (ЭДС) (в) хитозан/кремнезём наногибрид адсорбент намуна.

Улар водород боғлари ҳосил қилган ОН ва NH–гуруҳларнинг валент тебранишлари ҳамда СН–гуруҳнинг валентлик тебранишларига хос бўлган 2900-2910 см^{-1} частота диапазонидаги иккита полосалар ҳисобига ҳосил бўлган.


Амид-I ва Амид-II ўртасидаги Ферми резонансидан келиб чиққан 1650-1417 см^{-1} частота диапазонидаги ютилиш полосалари амид гуруҳларининг валент тебранишларини билан изоҳлаш мумкин. Амид-I чизиғлари асосан C=O гуруҳларининг валент тебранишларига тегишли бўлса, Амид-II чизиғлари эса NH, CO, CN – гуруҳларнинг тебранишларига мос келади. 1390 см^{-1} да кузатилган ютилиш чизиғи CH₂-гуруҳининг валент тебранишларини акс эттиради.

Ғовакли микросфера силикагелинини 1-спектри, биринчи навбатда, циклик структурадаги Si-OH силанол гуруҳларининг тебранишлари билан боғлиқ бўлган ва 1200-1090 см^{-1} (максимуми 1160 см^{-1} да) диапазонда жойлашган кенг интенсив ютилиш чизиғини ҳамда мазкур гуруҳнинг 790 см^{-1} даги чизиғини акс эттиради. Таъкидлаш жоизки, кенг 3600-3300 см^{-1} ва 940 см^{-1} частотадаги ютилиш

чизигларини силанол гуруҳи Si-OH га тегишли бўлган OH-гуруҳи валент тебранишлари билан тушунтириш мумкин.



3-расм. Намуналарнинг ИҚ-спектри: 1 – FMCC; 2 – хитозан; 3 – НГХЗКА (хитозаннинг 5 масса %).



4-расм. Намуналарнинг дифрактограммаси 1 – FMCC; 2 – НГХЗКА (0,5 оғ.% хитозана); 3 – НГХЗКА (3 оғ.% хитозана); 4 – НГХЗКА (5 оғ.% хитозана); 5 – қисқичбақа хитозани.

Гибрид хитозан/кремнезём адсорбентининг спектрида (3-спектр) 1600 см^{-1} да ютилиш чизиги кузатилиб, бу 1650 ва 1417 см^{-1} да характерли ютилиш чизигига эга бўлган хитозан мавжудлигини кўрсатади. 1600 см^{-1} даги ютилиш чизигидан ташқари, хитозан борлиги сабабли 3-спектрда 1495 см^{-1} да ютилиш чизиги мавжуд.

Шундай қилиб, гибрид адсорбент ва хитозан намуналарининг ИҚ спектрларини солиштирганда, хитозаннинг карбонил, амид гуруҳларига хос бўлган 1650 см^{-1} ва 1510 см^{-1} ютилиш чизигларининг силжишини, яъни пастки частота диапазонида эга 1600 ва 1495 см^{-1} кўриш мумкин. Бу силанол ва хитозан амид гуруҳининг карбонил гуруҳлари ўртасида водород боғларининг пайдо бўлишини билдиради.

Тадқиқ қилинаётган моддаларнинг структуравий хусусиятларини рентгенографик тадқиқот натижалари 4-расмда 1-5 диффрактограммалар серияси кўринишида келтирилган бўлиб, таҳлилларни осонлаштириш мақсадида улар бир бирига нисбатан интенсив ўқ бўйича силжитиб жойлаштирилган.


Барча моддаларнинг диффрактограммалари $2\theta=10-30^\circ$ соҳада кенг бурчакда мавжудлиги билан тавсифланади. Ғовакли микросферали силикагел учун диффрактограммада 2θ бурчакнинг 30 градусигача бўлган соҳасида аморф моддалар учун хос бўлган жуда кичик чўққилар борлиги кузатилади. Хитозан учун бу интервалда 5-диффрактограммада иккита ноаниқ максимум - $2\theta=20^\circ$ даги кучсиз рефлекс ва $22-23^\circ$ даги кучлироқ чўққи кузатилади. Хитозан таркиби 0,5 масса % бўлган гибрид хитозан/кремнезём адсорбентининг диффрактограммасидан, келиб чиқишидан қатъи назар, дастлабки FMCC даги каби (диффрактограмма 1) аморф сочилиш ўша бурчак оралиғида рўй беради.

Хитозан массасининг миқдори 3% бўлган моддалар учун деярли бир хил кўринишдаги аморф бирикмаларга хос дифракцион сочилиш схемасини кузатиш мумкин (диффрактограмма 3). Шунингдек, 5 % гибрид композит адсорбент учун $2\theta=18-26^{\circ}$ бурчак оралиғида диффракцион чўққилар интенсивлигининг нисбатан кичик ўсиши амалга ошади (диффрактограмма 4). Кам миқдорда кенгайиб кетган рефлексларга эга бўлган бундай диффрактограммалар кристаллик даражаси паст бўлган қаттиқ моддаларга хосдир.

Гибрид тузилишига эга адсорбентнинг таркибига киритилган хитозаннинг аморфизациясини кўрсатадиган гибрид хитозан/кремнезём адсорбентларининг ҳолати рентгенографик тадқиқ қилиш натижалари тасдиқлади, яъни кристалл тузилишнинг чекланиши кремнезём тўрининг хитозан ва силанолнинг функционал гуруҳлари ўртасидаги фазалараро таъсирлар натижасида содир бўлади. Ушбу ўзаро таъсирлар кремний панжарасидаги манфий заряд ($-\text{SiO}^-$) ва хитозан молекулаларидаги мусбат заряд ($-\text{NH}_3^+$) ўртасидаги электростатик тортишиш, гидроксил ҳамда силанол гуруҳлари орасидаги водород боғлари, шунингдек, кремнезём тўрининг хитозаннинг амид гуруҳлари ва силанол гуруҳлари ўртасидаги Н-боғлар шаклида ифодаланиши мумкин. ПЭОС олигомерининг конденсация реакциялари жараёнига хитозаннинг $-\text{CH}_2\text{OH}$ гуруҳларининг ҳам кириш эҳтимоллиги йўқ эмас.

Турли миқдордаги хитозан таркибига эга синтезланган гибрид композит хитозан/кремнезём адсорбентларининг термо-оксидланиш барқарорлигини, шунингдек хитозаннинг ўзи ва FMCCнинг термик барқарорлигини ўрганиш мақсадида ДТА усули ёрдамида ҳаво кислороди иштирокида $25-600^{\circ}\text{C}$ ҳарорат оралиғида кристалликни йўқотиш ва термик парчаланиш жараёни ўрганилди.

Ҳарорат ошгани сайин, масалан, FMCC намунасида ДТА 2 ва ТГ 2¹эгри чизиқлари берилган ҳарорат оралиғида деярли ўзгармайди, гибрид хитозан/кремнезём адсорбентларида эса хитозаннинг 3 ва 5 % таркибида $60-360^{\circ}\text{C}$ ҳарорат оралиғида сезиларли экзотермик ўзгариш кузатилиб, бу кимёвий ўзгаришларни тавсифловчи ДТА нинг типик чўққилари сифатида ифодаланади. Кимёвий трансформация билан боғлиқ ҳолда кузатилган кучли деструкция билан бир вақтда, ушбу намуналарда тез масса йўқотилиши содир бўлади, бу эса ТГ эгри чизиқларининг кескин пасайиши билан тасдиқланади. Агар $\sim 200^{\circ}\text{C}$ гача $\sim 3\%$ ни ташкил этган масса йўқотилиши кузатилса ва у асосан намликни йўқотиш билан боғлиқ бўлса, унда $200-300^{\circ}\text{C}$ ҳарорат оралиғида, намуна оғирлигининг $\sim 30\%$ ни ташкил этган энг сезиларли масса ўзгариши содир бўлади. 3 ва 5 % хитозани бўлган намуналар учун масса йўқотиш билан боғлиқ ўзгаришлар 5- расмда келтирилган.



5-расм. Наногибрид хитозан/кремнезем адсорбентларнинг (қисқичбақа хитозан 5 мас.% (а) ва 3 мас. % (в)) турли ҳароратда ДТА ваТГ ҳароратнинг ошишига боғлиқлиги.

Таркибида 3 ва 5 % қисқичбақа хитозани бўлган гибрид хитозан/кремнезем адсорбенти учун экзотермик чўққи $\sim 300^{\circ}\text{C}$ да кузатилади. Бу чўққи учун ҳарорат ўзгариши тахминан 250°C дан бошланади ва 370°C да тугайди. Бундан ташқари, хитозан таркиби чўққининг табиати ва турига таъсир қилмайди.

Индивидуал хитозан намунасини қиздириш шуни кўрсатдики, ҳаво кислородининг мавжудлигида, термик деструкция экзотермик чўққининг шаклланиши билан бир вақтда ҳарорат 350°C га етганда содир бўлади ва хитозаннинг термик деструкцияси туганидан далолат берувчи кескин пасайиш бошланади. Бунда масса йўқотиш 70-78 % ни ташкил этади.


Шундай қилиб, турли таркибли хитозандан ташкил топган гибридли хитозан/кремнезем адсорбентлари термооксидланиш барқарорлиги масса йўқотилиши бошланишининг юқори ҳарорати билан ажралиб туради, бу эса органик ва ноорганик фазалар ўртасидаги ўзаро таъсир оқибатида рўй беради.

Метилцеллюлоза ва хитозан гелларидаги синтетик алюмосиликат наноцеолитларнинг тузилишининг шаклланиши деб номланган бешинчи бобда хитозан ва метилцеллюлоза гелларида силиказол асосидаги алюмосиликат цеолитининг нанокристалларини олиниши ва тузилишининг шаклланиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Эритмаларда хитозаннинг гелланиш ҳосил қилиш хусусияти нанометр ўлчамдаги цеолит кристалларининг шаклланишини тузилиши ва ўсиши учун чекланган майдон бўлиб хизмат қиладиган гел ячейкаларда олиб бориладиган алюмосиликат цеолитни синтез қилиш учун ишлатилган.



Синтез жараёни коллоид силикагелининг шаффоф эритмаларини глутаралдегид (1-эритма) ва натрий алюминатнинг ишқорий эритмаси (2-эритма) билан ўзаро тикилган (боғланган) хитозаннинг сирка кислотаси эритмаси билан аралаштириш орқали амалга оширилди. Аралаштириш натижасида SiO_2 нанокластерлари ва хитозан макромолекулаларидан ташкил

топган зол шаклидаги шаффоф эритма 2 нинг коллоид ҳолатга ўтиши содир бўлади. Натрий алюминат SiO_2 билан ўзаро таъсир қилувчи хитозан макромолекулаларининг фаол марказлари бўйлаб тарқалган SiO_2 нанокластерлари билан ячейкаларга киради. Натижада, цеолит нанокристалларининг ядролари ҳосил бўла бошлайди ва уларнинг ўсиши содир бўлади, бу синтез жараёнининг шароитларига, яъни реагентларнинг дастлабки моляр таркиби, ҳарорат ва гелнинг қариш давомийлигига боғлиқ. Афсуски, ҳосил бўлган маҳсулотни ювиш пайтида хитозанни олиб ташлашнинг иложи бўлмади, бу, эҳтимол, Бренстед марказлари бўйлаб хитозан макромолекулаларининг донор-акцептор боғланишлари шаклланиши билан ўзаро таъсири туфайли ҳосил бўлган цеолит билан боғланган ҳолатда бўлганлиги сабабли содир бўлди:



Хитозанни юқори ҳарорат таъсирида олиб ташлаш бўшлиқларнинг торайишига ва цеолит тузилишининг бузилишига олиб келади. Шунинг учун хитозанни цеолит структурасидан чиқариб ташлаш учун ҳосил бўлган маҳсулотни водород пероксид билан қайта ишлаш амалиёти муваффақиятли қўлланилди, маълумки, бунда хитозан макромолекулаларини деструкцияга учрайди ва деполимерланган қолдиқлар осонгина ювиб ташланди.

Олинган цеолит намуналарининг кристалл ўлчамлари ва хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги 1 эритмада: $x\text{Хит}:y\text{SiO}_2:z\text{ГА}$ (бу ерда мос равишда $x=0,001-0,025$, $y=10-18$, $z=5-20$) ингредиентлар таркибини натрий алюминатнинг доимий концентрациясида (эритма 2) ўзгартириш орқали ўрганилди. Цеолит Анинг ғовакли тузилиши N_2 нинг 77 Кдаги ютилишини ўлчаш йўли билан текширилди. 6-расмда водород пероксид билан ишланган N_2 тайёрланган цеолитнинг адсорбция-десорбция изотермаси кўрсатилган (H_2O_2 намунаси). Ушбу намуна N_2 нинг паст нисбий босимда ($P/P_0 < 0,05$) IUPAC таснифига кўра V турдаги изотерма шакли уни микро-мезопор адсорбентлар синфига киритиш мумкин бўлади.



6-расм. Цеолит А нинг H_2N_2 намунаси учун азотнинг адсорбция-десорбция изотермаси. 7-расм. (а) Хитозан, (в) H_2N_2 учун ИҚ – спектрлар.

Жуда паст нисбий босимларда адсорбцияланган ҳажмнинг ошиши оз сонли микробўшлиқларнинг мавжудлиги билан боғлиқ, бу, эҳтимол, бўшлиқларда азот молекулаларининг адсорбцияси билан боғлиқ. Олинган наноцеолитнинг ўзига хос сирт майдони $57,420 \text{ м}^2/\text{г}$ ни ташкил этди, бу ҳолат нанометр ўлчамдаги NaA кристаллари кичик кристаллар ўлчамларига эга эканлигини янада тасдиқлайди.

7-расмда (а, в ва с) хитозан ва наноцеолитларнинг ИҚ спектрлари келтирилган, ундан наноцеолит намуналарида хитозанга тегишли чизиглар йўқлигини кўриш мумкин. Барча спектрларда кузатилган $1080\text{-}1090 \text{ см}^{-1}$ даги характерли чизиглар Si-O-Si структурасининг Si-O тебранишлари билан боғлиқ. Наноцеолит структурасидаги сувнинг ютилиш чизиги $1600\text{-}1645 \text{ см}^{-1}$ да кузатилади. 3432 см^{-1} даги кенг тармоқли чизик ёй водород боғлари билан боғланган ва адсорбцияланган сув молекулалари–ОН- гуруҳларининг вибрацион тебранишларига тегишли бўлиши мумкин.

Синтез қилиб олинган цеолитларнинг кристаллиги ва заррача катталигига SiO_2 нинг хитозанга моляр нисбати, шунингдек қариш давомийлиги ва жараённинг ҳарорати таъсир қилади. 8-расмда алюминат (2 эритма) нинг доимий концентрациясида $x\text{Хит}:y\text{SiO}_2:z\text{ГА}:1\text{СН}_3\text{СООН}$ (бу ерда мос равишда $x=0,001\text{-}0,025$, $y=10\text{-}18$, $z=5\text{-}20$) реактивларнинг дастлабки эритмасида турли SiO_2 таркибли наноцеолитлар намуналарининг дифрактограммалари кўрсатилган.

Олинган намуналар I- 11SiO_2 , II- 14SiO_2 , III- 17SiO_2 , ва IV- 21SiO_2 сифатида белгиланган. Натижалар кўрсатадики, (8-расм) SiO_2 миқдори 11 га тенг бўлса, кристалланиш бўлмайди ва натижада олинган намуна аморф бўлади. SiO_2 миқдори 14 бўлса, намунанинг кристалланиши 15-17% эканлигини кўриш мумкин. SiO_2 миқдори 17-21 га етганда, дифрактограммада NaA цеолитини тавсифловчи чўққилар пайдо бўлади ва синтез қилинган наноцеолитларнинг заррача ҳажми 159 нм ва 348 нм ни ташкил этади (9-расм).



Олинган натижалар шуни кўрсатдики, SiO_2 ва хитозан нисбатининг ўзгариши олинган цеолит намуналарининг морфологияси ва заррача ҳажмига

хам таъсир қилади, бу кристалл заррачаларнинг нуклеацияси ва ўсишининг турли тезлигини кўрсатади.



Тизимда SiO_2 нинг юқори миқдори бўлиши дастлабки нуклеация жараёни ва заррачаларнинг ўсиш жараёни тезлашади, бу ўз навбатида цеолит зарралари ҳажмининг ошишига олиб келади.

Агар тизимда SiO_2 ва ХЗ нисбати камайтирилса (17:1) нуклеация жараёни бироз камаяди ва кичик ўлчамдаги цеолит кристаллари ҳосил бўлади. SiO_2 нинг ХЗ га нисбати 14:1 га камайганда, нуклеация ва заррачаларнинг ўсиш тезлиги сезиларли даражада камаяди. Бу нисбатларда олинган намуналар тўлиқ кристалланишга эга эмаслигини кўриш мумкин.

Мазкур ҳолатнинг сабаби, бошланғич модданинг стехиометрик нисбати зол-гел жараёнида иштирок этиш учун етарли эмаслигидадир. SiO_2 нинг ХЗ га нисбати 11:1 бўлганда ядролар сони наноцеолитнинг нуклеацияси ва кристалланиши учун етарли бўлмайди ва 8-расмда кўрсатилган диффрактограммадаги аморф структурани ҳосил қилади.




8-расм. I-11 SiO_2 , I-14 SiO_2 , III-17 SiO_2 , ва IV-21 SiO_2 моддаларнинг диффрактограммаси.



9-расм. Наноцеолит III учун сканирловчи электрон микроскоп тасвири (а) ва зарраларнинг ўлчамлари бўйича (в) ҳамда ёруғликнинг сочилиши усули билан олинган тақсимот (с).

Полисахарид ва цеолит тузилиши ўртасидаги ўзаро таъсирнинг олдини олиш мақсадида макромолекуласида хитозанга хос бўлган фаол функционал гуруҳлар мавжуд бўлмаган метилцеллюлоза полисахарид гели сифатида танланди. Метилцеллюлоза таркибида фақат силикагел ва цеолитнинг сирт гуруҳлари билан заиф водород боғлари ҳосил қилувчи – ОН гуруҳлари мавжуд:




Метилцеллюлоза (МЦ) нинг ўзига хос хусусияти бу унинг термо қайтувчанлиги бўлиб, МЦнинг критик эриш ҳарорати 40°C ва 50°C оралиғида бўлишидан иборат. Ушбу чегарадан паст ҳароратларда МЦ сувда яхши эрийди, юқори ҳароратларда эса гел ҳосил бўлади. Мазкур ҳолат бизнинг томонимиздан нанокристалл цеолит синтези пайтида ҳарорат режимини тартибга солиш учун ишлатилди.

Метилцеллюлоза эритмаси қиздириш натижасида ҳосил бўлган тўрли структуранинг шаклланиши коллоид тизимнинг критик вақтини белгилайдиган макромолекуляр занжирларнинг ОН гуруҳлари орасидаги элементлар ўзаро таъсир тезлигига боғлиқ бўлиб, бу ҳолатда системанинг оқувчанлиги йўқолиши ва МЦ макромолекулалари занжирлари орасидаги водород боғларининг пайдо бўлиши билан гелнинг ҳосилиши юзага келади. Гел тўрини тузиш жараёнини кучайтириш учун биз ММ87000 га тенг бўлган юқори молекуляр МЦ дан фойдаландик.

Эритмаларнинг қовушқоқлигини реологик хоссаларининг ҳароратга боғлиқлик натижалари соф МЦ эритмаларининг ёпишқоқлиги ўзгаришининг SiO_2 ҳамда Al_2O_3 прекурсорларини ўз ичига олган реакция эритмалари ўртасида сезиларли фарқни кўрсатди (10-расм).

МЦ эритмаси $\text{pH}=11$ бўлганда 40°C ва 50°C (1-эгри чизик) ҳарорат оралиғида гел ҳосил қилиш босқичига етишига қарамай, SiO_2 и Al_2O_3 прекурсорлари билан МЦ эритмалари $75-80^{\circ}\text{C}$ гача динамик ёпишқоқликни сақлайди (3,4-эгри чизик). Шу билан бир вақтда, МЦни ўз ичига олмаган прекурсорлар $65-70^{\circ}\text{C}$ да (2-эгри чизик) қовушқоқлигини йўқотади. Бу фарқни прекурсор нанокластерларини ўз ичига олган коллоид тизимларнинг агрегатив жиҳатдан барқарорроқ эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Чунки уларнинг юзасида қўш электр қатлами мавжуд бўлиб, зол зарраларини бир-бирига ёпишишига тўсқинлик қилувчи электростатик итарилиш пайдо бўлишига олиб келади. Метилцеллюлозага келсак, бу шароитда гелланишнинг кечикишига сабаб ОН-гуруҳларининг блоккланиши ҳисобланади, бу эса МЦ

макромолекулалари занжирлари ўртасидаги водород боғларининг шаклланишига тўсқинлик қилади.





10-рассм. pH=11 бўлган коллоид эритмалар қовушқоқлигининг МЦнинг турли концентрацияларида ҳароратга боғлиқлиги; 1- 3,5 % (прекурсорсиз); 2 – 0 % (МЦсиз прекурсор эритмалари); 3 – 3,5 % (NZ040 намуналари учун); 4 – 6,8 % (NZ080 намунаси учун).

Блокланиш, эҳтимол МЦнинг ОН-гуруҳлари ва SiO₂-нанозарраларининг сиртдаги силанол ($\equiv\text{Si-OH}$) гуруҳлари ўртасидаги водород боғларининг шаклланиши орқали SiO₂ нанозарраларининг МЦнинг ОН-гуруҳлари томонидан адсорбцияси туфайли юзага келади. Алюмосиликат шаклланиши тугагандан сўнг, МЦ макромолекулаларининг ОН-гуруҳлари ажралиб чиқади ва метилцеллюлоза макромолекулалари занжирлари орасида Н-боғланишлар пайдо бўлиб, бу ячейкалари ўзаро таъсир қилувчи прекурсорларнинг коллоид эритмаларини ушлайдиган гел ҳосил бўлишига олиб келади.

